

САЛИМ АБДУВАЛИЕВ ЎЗБЕКИСТОННИ ТАРК ЭТДИ



Ўзбекистонда “криминал авторитет” дея билинган 63 яшар тадбиркор Салим Абдувалиев “МТС–Ўзбекистон” иши бўйича сўроқ саволлардан бешиб, мамлакатни тарк қилгани иддао қилинди.

Бу хабарни билдирган Озодлик радиоси унинг шу кунларда Италияда эканлигини айтди. Озодлик ишончли деб билган манбанинг таъкидича, Салим Абдувалиев собиқ «МТС–Ўзбекистон» ширкати бош директори Бехзод Аҳмедовнинг мамлакатдан чиқиб кетишида кўмаклашганликда айбланиб сўроқ қилинган.

Манбага кўра, торговчилар Салим Абдувалиевнинг паспортини олиб қўйишган ва уни Ўзбекистондан ташқарига чиқмаслиги ҳақида тилхат олишган.

Озодлик манбаси Салим Абдувалиевнинг Италиядаги телефон рақамини ҳам берди.

Озодлик муҳбири Италияга доир бу рақамга қўнғироқ қилганида гўшакни ўзини Салим Абдувалиевнинг тансоқчисиман деб таништирган, ўзбек тилида гаплашган шахс кўтарди.

Сухбатдош Салим Абдувалиевнинг Италияда эканини тасдиқлади.

«У кишини телефонга қақириб бера олмайсизми» деганимизда тансоқчи, Салим Абдувалиевнинг айни дамда магазин айланаётгани боис телефонга кела олмаслигини билдирди.

“МТС–Ўзбекистон” ишида Абдувалиевнинг алоқаси бўйича иддаолар

“МТС – Ўзбекистон” иши бўйича Салим Абдувалиев сўроқ қилинаётгани борасидаги илк иддао ўтган йили Ўзбекистон Халқ Ҳаракати нашрида эълон қилинган эди.

Бу нашрда чоп қилинган маълумотга кўра, Ўзбекистон Бош

прокуратураси Салим Абдувалиев қиёфасида “МТС–Ўзбекистон” ишига боғлиқ иктисодий қаллобликларда “айбдор” бўлган яна бир шахсни “топган”.

Чоп қилинган маълумотда Салим Абдувалиев Бош прокуратура ва МХХ (Миллий Хавфсизлик Хизмати) торговчилари тарафидан навбатма-навбат сўроқ қилингани иддао қилинади.

Орадан бир йил ўтиб бу маълумотни тасдиқлаган Озодлик манбасига кўра Бош прокуратура Салим Абдувалиевни Хитойнинг “Huawei” ва “ZTE” ширкатлари билан собиқ бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги директори Абдулла Ориповлар орасида Хитой телекоммуникация ускуналарини Ўзбекистонга олиб келишда воситачилик қилганликда ҳам гумон қилган.

Манбага кўра, бускуналар “МТС–Ўзбекистон” ширкатининг эҳтиёжини ҳам қондирган.

“МТС–Ўзбекистон” иши бўйича Абдувалиев сўроқ қилинаётгани ва мамлакатдан чиқарилмаётгани борасидаги илк иддао янграган ўтган ойнинг август ойида Салимбой Лондонга бориб Олимпиада мусобақаларида қатнашган ўзбекистонлик курашчи Артур Таймазовни “қўллагани” телевизорда намоиш қилинди.

Лондон Олимпиадасида Салим Абдувалиевнинг курашчи Артур Таймазовни олтин медал билан табриклагани майдонга югуруб

чикқанда Ўзбекистон телеканаллари жонли эфирни узиб қўйган эди.

Телеканаллар бу ўйини тўғридан тўғри намоиш этган кадрларда Салим Абдувалиев гилам устига югурганча чиқиб ўзининг курашчисини муборакбод этди.

Ўзбекистон телеканаллари эса ўз спортчисининг табриклаётган Салимбойнинг экранда пайдо бўлиши биланок, тўғридан-тўғри эфирни узди.

Бу ҳолат Салим Абдувалиевнинг расмий Тошкент учун исталмаган шахсга айланётганига ишорат каби бўлди.

Озодлик манбасига кўра, Салим Абдувалиев Тошкентга Артур Таймазовнинг ғалабасидан уч кун ўтиб қайтиб келган, шундан кейин Абдувалиевнинг паспорти олиб қўйилган.

Шу йилнинг май ойида Тошкентнинг Қўйлик мавзесида жойлашган ва Салим Абдувалиевнинг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланган асфальт-бетон заводида прокуратура текширув бошлаган эди. Озодликнинг Ўзбекистон ҳукук-тартибот идораларидаги манбаси, прокуратура текшируви ортида Абдувалиев гуруҳига зарба бериш мақсади ётган бўлиши мумкин, дея билдирган эди.

2011 йилда WikiLeaks сайти эълон қилган АҚШ дипломатик ёзишмаларда Салим Абдувалиев «криминал авторитет» дея таърифланган эди. «Ўзбекистон ҳукуматидаги юқори лавозимли мулозимларнинг «криминал авторитет», деб танилган Салим Абдувалиев билан яқин алоқалари бор», дейилали АҚШ махфий депешаларида.

Салим Абдувалиевнинг шу кунларда Италияда қай тарзда ва қандай мақсадда юргани номаълум қолмоқда.

Салим Абдувалиев Ўзбекистон Кураш уюшмаси президентиدير.

Уюшма Бош котиби Озодлик билан сухбатда Абдувалиев ҳали ҳам уюшма президенти экани ва ҳозирда у хизмати сафариди бўлгани боис ваколатлари бош котиб зиммасида эканини айтди.

Аммо, Абдувалиев қачон қайтади, деган саволга уюшма вакили жавоб бермади.

ЖИЗЗАХЧА ТЕСТ

Диктатор Ислон Каримов таъбири билан айтадиган бўлсак ва Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида деган иборага ҳам назар ташласак, 2013 — 14 ўқув йили учун 2013 йил 1- август кунда Жиззах вилоятида ўтказилган тест имтихонлари қандай ўтганлиги билан қизиқдик. Жиззах вилоятидаги баъзи абитуриентлар билан ҳамсухбат бўлдик. Маълум бўлишича, Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳридаги 17- ўрта таълим мактаби биносида Абдулла Кодирий номидаги Жиззах Давлат Педагогика институтига кириш учун даъвогар бўлган абитуриентларнинг жисмоний тарбия бўйича тест имтихонлари бошланиш вақтида шундай воқеа-ҳодисалар руй берган. Абитуриентлар МХХ ва ИИБ ходимлари томонидан қаттиқ текширувдан сўнг имтихонга киритилди. Натижада хавфсизлик ходимлари абитуриентларни ялангоч қилиб телефон аппаратлари ва шпаргалкаларини йиғиб олиши вақтида бир нечта абитуриентнинг хотидан гўдакларга мўлжалланган памперс ичига жойланган телефон аппарати ва шпаргалкалар йиғиб олинган.



Шундан сўнг ИИБ милициясининг уч ходимлари томонидан мактаб ҳовлисиغا олиб чиқилиб, бир нафар абитуриент болани шир ялангоч ечинтириб, уни бошқалар кўзи ўнгида қўлларидан памперс уйнатиб масқара қилишган.

Ҳурматли ўқувчи, ана энди айтинчи ИИБ милиция ходимларининг бу хурмача қилиқларига нима дейсиз? Ваҳоланки, буларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳеч бир қонунлар мавжуд бўлмаганлиги ва ҳақ-ҳуқуқлари чегараланмаганлиги сабабли оддий халққа нисбатан булар томонидан амалга оширилаётган ноҳақликларни қандай баҳолашимиз мумкин?

УХХ хайрихоҳи.
Жиззах

КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ МАТЧНИ ИЎҚ ҚИЛДИ

Ўзбекистон президенти Ислон Каримов мамлакат футбол Федерациясига (УФФ) Тошкентдаги “Пахтакор” стадионида 14 август кунда Ўзбекистон ва Туркия терма командалари орасида ўтказилиши кутилган ўртоқлик учрашувини таъқиқлаб қўйди. 2 август кунда Ўзбекистон футбол федерациясининг президенти Мираброр Усмонов мамлакат раҳбари Ислон Каримовнинг ҳузурига чақиртирилди. Ва Президент сиёсий саводсизлик қилиб қўйган УФФ раҳбарини бир неча тараф билан кутиб олди, унинг хатоси эса — Туркия футбол федерацияси раҳбарининг икки мамлакат миллий терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказишга розилик бергани эди.

Бу “тахдидли суҳбат” давомидида Мираброр Усмоновга Туркия Каримов режимининг асосий мухолифи бўлган, Ўзбекистон Халқ Ҳаракат раиси Мухаммад Солиҳга сиёсий бошпана берган хуш кўриб бўлмайдиган мамлакат эканлигини эслатиб ўтди Ислон Каримов.

Эртаси кун, яъни 3 август Мираброр Усмонов Тошкентдаги Туркия Жумҳурияти элчихонасига “Ўзбекистон футбол федерацияси ҳар икки мамлакат терма командаларининг 14 август кунда ўтказилиши мўлжалланган ўртоқлик учрашувига

тайёр эмаслиги” ҳақда расмий хабар юборишга мажбур бўлди.

Шундан қилиб, ўзбек футбол муҳлисларида катта қизиқиш уйғотган беллашув ўзбек оммавий ахборот воситалари ёзаётганидек, Туркия тарафи ташаббус билан эмас, балки Ислон Каримовнинг қўлида ўйинчоқ бўлиб келаётган Ўзбекистон футбол Федерациясининг расмий талаби билан тўхтаб қолган. Энди эса Иорданияга қарши матч олдида контрол мусобақалар ўтказиш сув билан ҳаводек зарур бўлиб турган Ўзбекистон футбол миллий терма жамоаси ўртоқлик учрашуви учун бошқа команда топиши зарур.

Каримовнинг Ўзбекистон ва Туркия орасида ўтказилиши кутилган бу ўртоқлик учрашувига таъқиқ қўйиши унинг нафақат ФИФА талабларига қарамай, миллий футбол федерацияси ишларига ҳам аралашаётганини кўрсатиб турибди.

Бу можаро Ўзбекистон президенти ўзининг шахсий амбицияларидан келиб чиқиб, Туркия Жумҳурияти билан ўзаро муносабатларини яхшилаш нияти йўқлигини ҳам кўрсатмоқда. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Каримов давлат тепасида экан, Ўзбекистон ва Туркия орасида қардошлиқ ва дўстона муносабатлар ўрнатилиши имконсиз.

Тошкентдан УХХ муҳбири

УЧТА ШЕЪР

БОР

Оч энди, кўзингни Очиш Фаслида
Дунё ишқи кипригингда ғубордир.
Кўриб турганинг олам-Йўқдир аслида
Кўролмай турганинг – ягона Бордир.
(2009)

ТЕЖАМ

Аланглама, исроф бўлмасин бу кўз,
дунёга сўнги бор боқаётгандай бок!
Тежаб гапир, токи айтганинг ҳар сўз
видо сўзи каби бўлсин қисқа, пок!
(2009)

УМУРТҚА

Ёш экан, бу одам тўғриди ғоят,
кексайиб, тўғрироқ бўлди янада,
чунки умурткаси бўлган Шеърият,
умрининг сўнгида Шариат бўлди.
(2010)

Мухаммад Солиҳ

ТУРКИСТОН БАЙРОҒИ



Расмда Миразиз Аъзам, Мустафо Коняли, Мухаммад Солиҳ, Туркияли меҳмон, Ражаббой Ота Турк, Рауф Парфи Ўзтурк ва Ориф Ожалўғли.

1990 йил 19 июн Мустақиллик Декларацияси қабул қилинишидан 1 кун аввал М.Солиҳнинг уйида, Туркистон байроғи орқасида.

Туркистон байроғининг марказидаги байроқ Туркия байроғидир, атрофидаги ранглар бутун Турк императорликларининг байроғида қўлланилган ранглардир.

Бу расм олингандан бир кун сўнг, яъни 20 июнда М.Солиҳ миллатвакили сифатида Совет Ўзбекистони Парламенти бўлмиш Олий Кенгаш мажлиси кулисларида юкоридаги байроқни Ўзбекистон давлати байроғи сифатида қабул қилишни Ислон Каримовга таклиф қилди, аммо Каримов ва бошқа коммунистлар бу таклифни рад этдилар ва кейинроқ ўзларининг бугунги ҳар қандай маъно ва ҳикматдан маҳрум байроқларини қабул этишди.

Манба: Facebook

Жорий йилнинг май ойида Самарқанд вилоятида, жумладан Самарқанд туманида ҳам, ҳар бир хонадонга уч минг сўм эвазига «ОИЛА ПАСПОРТИ» тарқатилди.

ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, ТИББИЁТ ХОДИМИ – АЙФОҚЧИ!

Паспортдаги ёзувларга кўра, тиббиёт ходими хонадонларга ташриф буюриши, касалликлар, уй-жойларнинг санитария ҳолати борасида суриштирув ишларини олиб бориши, зарурий тавсиялар бериши, суҳбатлар ўтказиши ва ўз хулосасини унда қайд этиб бориши керак. Аммо энг ажабланарли томони, паспортда яна бир бўлим бўлиб, унда касалликлар ҳамда уй-жойларнинг санитария ҳолатига гарчи алоқаси бўлмаса-да, оила аъзоларидан кимлар, нима мақсадда чет элга кетганлиги тўғрисида маълумот киритиш талаби ҳам кўйилган. Хонадонларга ташриф буюрган тиббиёт ходимлари хонадон сохиблари билан

ўтказилаётган учрашувда оила аъзоларининг соғлиги, уй-жойларнинг санитария ҳолатига номигагина қизиқиб, асосий эътиборни эса айнан чет элга чиқиб кетган оила аъзоларига қаратишмоқда. Улар

томонидан оила аъзоларига, ҳаттоки, паспортда кўрсатилмаган кўшимча саволлар ҳам берилмоқда. Айтайлик, чет элга чиқиб кетган киши у томонларда нима иш билан машғул (!), қанча пул ишлаб топмоқда, пулни кимнинг номига юбораяпти ва қанча миқдорда? У ортга қачон қайтади? Агарда чет элга кетган оила аъзолардан бирортаси у ёқларда узокрок қолиб кетган бўлса, нега у чет элда узок вақт қолиб кетди ва нима сабабдан? Унинг у томонлардан учинчи бир давлатларга ўтиб кетиш нияти йўқми ва хоказо саволлар. Шундай учрашувларнинг бирида иштирок этган мухбирингиз, ёшгина ҳамшира кизга, “Қизим, нега

«Оила паспорти»да кўрсатилмаган маълумотларни сўраяпсиз?”, деган саволимга «Мен қаердан билай, амаки, бизларга юқоридан шундай кўрсатма келган», деди у гапни ҳаяжон билан қиска қилиб. Ва топшириқ берган юқори ташкилот номини ҳам очиклашни истамади.

Оила паспортининг кишини сергакландирадиган яна бир жиҳати унда қайси қонун, ёинки ҳукумат қарори асосида жорий этилганлиги тўғрисидаги ёзувнинг йўқлигидир. Демак, мазкур паспорт қонуний эмас.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса шуки, тиббиёт ходимлари ички ишлар идорасими, МХХ томониданми ёинки ҳукуматнинг бошқа идоралари томониданми хонадонлардан чет элга кетган оила аъзолари тўғрисида маълумот тўплашга, ўзлари билмаган ҳолда, жалб қилинишган.

Яқуний хулоса эса, тиббиёт ходимлари — потенциал айфоқчилар.

ЎХХнинг Самарқанддаги мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДИКТАТОРЛИК ТУЗУМИ ТУГАЙДИМИ?

22 йил давомида дунё мустақил тахлилчилари, Ўзбекистон ҳукумати ва унинг раҳбари томонидан олиб борилаётган ўта қаттиқ сиёсатни кузатишларидан келиб чиқиб ўзларининг Ўзбекистонда шу кунга қадар бўлиб ўтадиган воқилик тўғрисидаги ўз фикрларини айтганлар.

Уларнинг айтганларидек, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда вазият, 2013 йил ҳам 2012 йил каби сокин ўтиши тўғрисидаги фикрлари тўғри чиқмоқда.

Мустақил тахлилчилар, Ўзбекистон диктатори ўз халқини шу қадар кўрқитиб, жоҳил (арабчадан жоҳил, саводсиз демақдир) қилиб кўйганки, ночор халқ, қўлида ҳукумат бўлган, зўравон, пулдор, бутун бошли қуролга эга бўлган шахслар давлатни бошқаришини ўзларининг кўрқуви ва жоҳилликлари оқибатида тан олаётирлар, оқибатда уларни сиёсатини қўллаб қувватлайдиган бўлиб қолганлар.

Ҳа тўғрида нима қилсин бечора халқ, қайсики ўз сайтига эга бўлган Ўзбекистоннинг ичидаги ва ташқарисидаги, ўзини муҳолифатчиман деб атовчилар, ёки чет эл радиоларида журналистик фаолиятини олиб бораётган журналистлар, жасорат кўрсатаётган фаоллар тўғрисида ибрат учун уларни қайта-қайта сайтларда ёзиб, радиолардан репортажлар олиб бормасалар!

Халқда қандай қилиб жасорат уйғонсин. Улар ўзбек фаоллари нафақат ўзларини қолаверса оила аъзоларининг ҳавфсизлигини ҳавф остига қўйиб, (“Президентни истеъфосини” 2010 йил 6 декабрь куни Абдилло Тожибой ўғли) талаб қилиб пикетлар ўтказганлар, ёки 2011 йил 4 апрель куни “Қўйлиқ”даги мардикорларни ноҳақлик учун бош кўтаришга даъват этганлари.

Шу билан бир қаторда президент номига қонхўр президентдан чўчимасдан шахсан ўзига қанчадан қанча очик хат ва даъват хатларини, девонига юбораётган, фаолларнинг жасоратлари тўғрисида йиллар давомида қайта-қайта ёзиб, гапириб бутун ўзбек халқи эътиборига етказишлари керак эди. Матбуот нима учун матбуот қайсики бу воқеъликларни халқ онгига етказмади? Ахир буларнинг ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳар қандай инқилоб амалга ошадику.

Улар нима қилдилар, бу фаоллар жасоратлари тўғрисида суҳбатлар олиб бориш ўрнига, кимнидир ўғли пахта теримига чиқмагани учун мактабдан хайдаганларию, кимгадир чироқ ёки газини бир кунда икки соатга ёқиётганлиги тўғрисида гапиришдан ортига ўтмадилар.

Сайти борлар эса, у МХХга, бу ҳукуматга ишлайди, у диндор, бу атеист деб бир-бирини устидан маъзава қуйишдан нарига ўтмадилар. Буни эшитган халқда қанақа жасорат уйғониши керак ахир қани айтинглари-чи?

Жасорат қачон уйғонади оддий халқга ҳақиқий жасорат тўғрисида уларга етказилган вақтда.

Тузумга нисбатан бунингдек олиб борилаётган кураш билан, ўзбек халқи қалбидида жасоратни уйғотиш тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас.

Хуллас гап шуки, Ўзбекистонни ҳозир ва кейин ҳам, кимнинг қўлида



ҳукумат бўлиб кучга эга бўлган, қўлида қуроли, чўнтагида Ўзбекистонни иқтисоди ва пули бўлган шахсларгина бошқаради, чунки Биз ўзимизни муҳолифат деб атовчи Ўзбекистон фуқаролари халқни жасоратга даъват эта олмаганлигимиз учун.

Пешонаси шўр кўрқоқ ва жоҳил халқ эса ўзини қолган ҳаётини шу тарзда ўтказаверади, чунки бу Биз муҳолифатчиларни айби билан шу кунга тушдилар, токи Биз муҳолифат кишилари, муҳолифат қандай бўлишлиги кераклигини ўрганмагунимизга қадар.

Абдилло Тожибой ўғли.

Пресс-центр: “ Ўзбекистонда ҳалол ва адолатли сайловлар учун” жамоат бирлашмаси.

05.08.2013 й. Тошкент, Ўзбекистон.



HRW РОССИЯДА МУҲОЖИРЛАРНИНГ ОММАВИЙ УШЛАНИШНИ ҚОРАЛАДИ

Инсон ҳуқуқлари ташкилоти Human Right Watch Россияда оммавий равишда муҳожириларнинг тутилаётгани ва ушлаб турилганини “ирқий кўзкараш, асосиз ушлаб туриш ва муваққат жамлоқлардаги ёмон шароитлар” дея танқид қилмоқда. Ҳозирда юзлаб муҳожирилар махсус жамлоқларга тупланган ва ноинсоний шароитларда тутиб турилмоқда. Россия зудлик билан бу каби қўлга олиш ва тутиб туриш амалларини тўхтатиши керак, муҳожириларга инсоний муносабат кўрсатиши лозим, дейилади инсон ҳуқуқлари ташкилотининг баёнотида. Москва полициясининг ўтган ой охирида муҳожириларга қарши бошлаган амалиёти оқибатида 4000 дан ортик киши қўлга олингани хабар қилинади. Улар орасида Ўзбекистон, Тожикистон, Ветнам, Сурия, Афғонистон, Марокаш, Миср ва Қирғизистон фуқаролари бор. “Бу йирик “тозалаш” амалиёти тўлалигича Россиянинг халқаро қонунлар қаршидаги маъсулиятига

зиддир”, - дейди HRW Россия дастури директори Татьяна Локшина. Инсон ҳуқуқлари ташкилотига кўра, Россия ҳукумати қўлга олинган ҳар бир шахснинг фундаментал ҳуқуқларини ҳурмат қилиши керак. Ташкилот ҳозирга қадар давом этаётган “тозалаш” амалларидан хавотирларини изҳор этган. HRW ташкилоти ходимлари славян кўринишида бўлмаган шахсларни Россия полицияси Москва марказий метро бекатларини тўхтатиб текшираётганига гувоҳ бўлишган. Ташкилотга кўра, бу аниқ этник кўзкараш асосига қурилган бир амалиётдир.

Ноинсоний шароитлар

Ҳужжатларсиз муҳожирилар ва жиноятчилик мавзуси Сентябрда кечиши кўзланган Москва ҳокимлиги учун сайловолди курашининг марказига чиққан. Муҳожириларга қарши бу йирик амалиётга шимоллий қовқозлик шахс

яқинларининг гўё полициячини калтаклагани сабаб бўлгани айтилмоқда. Полиция идоралари ва муваққат хибсхоналар тўлиб кетгани учун мулозимлар қўлбола палатка жамлоғи тиклашга қарор қилганлар. Бу ерда электр энергияси ва алоқа йўқ, ташкилотга кўра, санитария вазияти абгор, озиқ -овқат яхши эмас ва ювинадиган сув етарлича берилмаяпти. Махсус амалиётлар чоғида қўлга олинган муҳожириларга на таржимон ва на химоячи берилади. Шунингдек, ташкилотга кўра, уларнинг аксарияти ўз яқинларини вазиятдан огоҳ этишмаган ва бунга изн берилмаган. Қўлга олинганларнинг баъзилари бошпана изловчилар ва ёки Россияда муқим яшаш ҳуқуқига эга бўлган шахслардир. Россия омбудсмени Владимир Лукин матбуотга жамлоқлардаги санитария вазияти ёмон эканини айтган. «Муҳожирилик ва ҳуқуқ» тармоғи раҳбари Светлана Ганнушкина айни жамлоқни бориб кўрган ва HRW ташкилотига, «вазият ноинсоний» деб айтган. “Этник асосларга эга бўлган бу оммавий қўлга олиш амалиётини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Агар мулозимлар Москвада хавфсизликни яхшилаш ва тартибни тиклаш режаларида жиддий бўлишса, унда улар жиноятчиликка қарши курашга кўпроқ эътибор беришлари керак. Муҳожириларни балоғардон қилиб кўрсатиб, жамоатчилик норозилигидан қочиб қолиш ҳаракатини тўхтатишлари лозим”, - деб айтган Инсон ҳуқуқлари ташкилотининг Россия дастури директори Татьяна Локшина.

bbc.co.uk/uzbek

ДЕМОКРАТИЯ ФАҚАТ ЎЗ ОТАСИ, ЎЗ ҚАРИНДОШ УРУҒИГАМИ?

Кўпчиликни хабари бор, “Бирдамлик”нинг (БХХ) раҳбари Баҳодир Чориевнинг отаси Ҳасан Чориев ёш қизни зўрланганликда айбланиб хибсга олинган. Зулм, ноҳақлик туфайли қамалиш ёки ҳалок бўлиш Ўзбекистонда шунчалар оддий ҳол бўлиб қолганки, оддий халқни бу ҳолатга бефарқлиги ошса — ошаяптики, камайгани йўқ.

Бу ҳам Президентимизнинг “оқилона”, маккорона ташаббуслари билан шу даражага етиб келди.

Ҳасан Чориев ҳам шу ноҳақлик чангалига тушгани ҳақида БХХ шунчалар кўп ёздики, бу ҳолатни бошидан кузатиб келаётганлар чет давлатда ёки бошқа вилоятда ту-

риб Қашқадарёдаги ходисаларни ўз кўзлари билан кўриб тургандек бўлишмоқда. “Бирдамлик” сайтига учта мақола жойланса, ундан иккитаси “Ҳасан ота” ҳақида, ҳатто ўша учинчи мақолада ҳам айни шу мавзудаги гапларга кўзингиз тушади.

Қашқадарёда “Ҳасан ота”дан олдин нечта одам диний-сиёсий айбловлар билан қамалиб кетишди, улардан баъи бирларини уйлари тобутда ҳам қайтаришди. Ҳасан отадан кейин ҳам нечта муслмон қамалди, бунинг энди Оллоҳ билади.

Лекин Б. Чориев отасидан бошқаси ҳақида гапириш тугул, ўйлашга ҳам вақти йўқдек.

Ваҳоланки Ўзбекистонда 30 ми-

лёнга яқин аҳоли яшайди ва уларнинг 90 фоиздан ортиғини муслмонлар ташкил этади.

Нима, бу “демакратлар” фақат отани ҳимоя қиладими ёки демократияда аввал оилани, қариндош уруғларнинг муаммоларию, кейин оддий халқни муаммолари ҳал қилинадими?

Балки бу демократияни асл башарасидир ёки демократия тангасининг иккинчи томони шунақами?

Бу тинмай «раскрутка» қилинаётган «Ҳасан ота» воқеаси Демократия деган нарсанинг учар-шарлатанлар суистеъмол қилиши учун ўнғай системага айланиб қолганига далил эмасми?

Сардор Росулов

МУСОФИР ЮРТДА ЮРГАН АЁЛЛАР СИЗНИ АЛЛОҲ АСРАСИН

Мардонавар боғлар белини.
Лою гилга урар қўлини,
Болалари кутар йўлини
Мусофирда юрган аёллар.

Гох тушунмай руслар сўзига.
Ёш боладай қарар кўзига.
Хўрликлари келар ўзига
Мусофирда юрган аёллар.

Кимдир ёмон йўлга бошлайди.
Ори учун лабин тишлайди
Аламлардан кўзин ёшлайди.
Мусофирда юрган аёллар.

Кимга опа кимгадир сингил.
Холин кўрсанг тўлади кўнгил.
Бахтли кунлар келар сабр қил.
Мусофирда юрган аёллар.

Болаларин оромин ўйлаб.
Болам дея ўзини қийнар
Нон ўрнига тилини чайнар
Мусофирда юрган аёллар.

Бир дарддоши йўқдир қошида
Тош чиқади еган ошида
Яна канча тухмат бошида
Мусофирда юрган аёллар.

Россияни совуқ кишида.
Кечки қайтар қайтар ишида.
Бир оғрик бор бош ё тишида.
Мусофирда юрган аёллар.

Гули

ИНТИЛИБ ЯШАШ ЁХУД ИНТИЗОМ

Рўза тутиш амаллари, инсон вужудини, руҳиятини тозалайди ва шу билан бирга иродасини ҳам мустаҳкамлайди. Агар ишонмасангиз, рўза тутиб кулинг. Куринишидан оддий лекин, серташвиш бўлган бу амалга, Аллоҳнинг Узи, ажр беради. Не чоғлик беришини, Узи билади. Охират ва дунё ишларигизни, ўзингиз учун қиласиз. Рўза амалини эса Оллоҳ учун қиласиз.

Иилда 30 кунлик рўза, содда амаллардан иборат бўлиб, ой давомида, ҳар сахар ният қилиниб рўза тутилади. Кун ботгач ифторлик қилинади ва таравиҳ намози ўқилади.

Кундузи, шайтон билан юзмаюз қолиб, у билан куаршиб, Буюк Аллоҳнинг фарзи адо қилинади..

Рўза буюк ибодатдир.

Рўза амалларини адо қилмоқлик кишидан журъат, сабр-қаноат ва руҳий баркамоллик талаб қилади. Холис бажарилган рўза амаллари инсондаги бу хусусиятларни янада юксалтиради. Инсондаги маънавий хусусиятлар, яъни ташланган қадамни, қўлни ёмон ишлардан қайтариш; кўзни номаҳрамдан, тилни фиску-фасоддан сақлаш — нафсни тийиш рўзанинг шарофати билан янада камол топади.

Рўза ойининг 30 кун давомида, инсон ўзи бажарган яхши амалларига кўнигиш ҳосил қилади ва яхшилик амалларини бажариш унинг ҳаётда одатга айлана бошлайди. Жамиятда рўзадорлар қанча кўп бўлса, инсонларнинг ўзоро муносабатлари ҳам шунча яхшилана болади.

Реал ҳаётда инсонларнинг бундай жамоаси яхши меҳнат коллективларига асос бўлаолади.

“Яхши меҳнат коллективи” деб биз буюртмани ўз вақтида ва маҳсулотини белгиланган сифат меъёрларида бажараоладиган, интизомли жамоага айтамыз.

Инсон, тафаккур билан иш юритган жараёнда меҳнат натижаси билан боғлиқ кўпгина муаммоларга дуч келади. Биламиз-ки, иш бажарувчи, ўз меҳнати натижасидан, молиявий ва маънавий қониқиш ҳосил қилиши керк. Фақат, молиявий қониқиш ҳосил қилган шахснинг иш натижасидан, истемолчилар қониқиш ҳосил қилмаслиги мумкин. Иш бажарувчи, технологияни билгани баробаринда, руҳий кучини ҳам, шу ишга сафарбар қилиб билиши керак. Акс ҳолда, руҳий кучи суст инсоннинг ақлий ва жисмоний иш натижаси унумсиз бўлади.

Иш бажарувчи руҳан ва жисмонан ўз иш фаолиятига таёрланган бўлиши керак. Ишчи кадр билим ва технология сабоқларини, билим юртларида ва меҳнат

коллективларида ўрганади. Кишининг маънавий тайёргарлиги эса Аллоҳнинг каломи билан барпо бўлади.

Охират ва дунё ишларини баробар олиб борган киши, ҳақиқий мўминдир.

Бундай инсондан берилган вазифаларни ҳамиша мукамал бажарилишини кутиш мумкин.

Иш жараёларининг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлиши учун Совет Иттифоқида “Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси” деган саҳифа “ижод” қилинган эди. Одамлар онгига атеизм идеялари қаттиқ сингдирилган СССРда зиёлилар ва ишчилар синфи маънавий тарбияга ҳамиша муҳтож бўлган.

“Режалар” асосида иш бажариш, инсониятнинг ютуғи деб дунёга жар солган СССРда, бажарилиши зарур булган “улуғ” режалар, сурункасига бажарилмас эди.

Халқ кундан кунга кашоқлашаверди. Дунёдаги энг “буюк” мамлакат, дунёда ягона бўлиб, ўз фуқароларига карточка тизимда озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатар эди. Халқнинг бундай тушкунлиги унинг тинимсиз динсизликка тарғиб қилинишидан эди. Шунинг учун ҳам СССР дунё жамоатчилигининг кўз ўнгига бир кунда шармандаларча қулади.

Халқининг диний этиқодига этибор берилиши натижасида, дунёда айрим янги ривожланган технологик мамлакатлар пайдо бўлапти. Мисол учун Хитой. Конфуций таълимоти жамият онгига сингдирила бошлади ва Хитой бугун дунё масштабида иқтисодда муъжизалар кўрсатапти.

Бу бир халқнинг раҳбарлари иродаси билан қалбаки ғоядан (коммунизм) аънага қайтишидаги мувффақиятли тажрибасига ёрқин мисолдир.

Бизнинг мамлакатимиз аҳли азалдан Исломи эътиқод билан яшаган миллатдир.

Халқимизнинг маънавий баркамоллиги, фақат Ислом ғоялар билангина амалга ошади. Ислом ғоялари, элимизга вақт давомида маданий ва маърифий йўллар билан, аста секин қайта кириб келаяпти. Энди буюк ислохотлар амалга оширилиши лозим.

Бундай режаларни ЎХХ ҳам ишлаб чиқиши керак менинг назаримда.

Инсонларни маънавий баркамоллигини амалга ошириш баробаринда мамлакат короҳоналари ва муассасаларида ишчи ўринларида ҳам, ишчи кадрларнинг диний мажбуриятларини амалга ошириш учун шароитлар туғдирилиши керак..

Ўзбек туғулиб, балоғат ёшига етмасданок, уни ота-онаси уй иш-

ларига машғул қилади. Бола ёшлигидан меҳнатга кўника бошлайди.

Бизнинг бошқа миллатлардан фарқимиз ҳам шу бўлса керак — меҳнатқашмиз. Гап йўқ!

Лекин, шўролар даврида ҳам, Каримов замонида ҳам, мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш жамоалари ва муассасалари, коллектив меҳнатдан кўзланган самарани олаолмаган ва олаолмаяпти. Бунинг асосий сабабларидан бири шахснинг руҳий носаранжомлиги. Яъни кишилар руҳнинг технологик ва интизом кўргазмалари билан мос эмаслигидир.

Ишлаб чиқариш, бошқарув ва гуманитар давлат ташкилотларида, меҳнатни ташкил қилиш, тўрт интизомга асосланган.

Булар:

- Маъмурий интизом.
- Молиявий интизом.
- Технологик интизом.
- Меҳнат интизому.

Болалиқдан меҳнатга ўрганган ва маънавий баркамолликни топса, миллатимиз ҳалол меҳнатни тегишли интизомлар билан амалга оширажак.

Лекин, жамият аъзоларининг маънавий камол топиши мамлакатимиздаги танланган мафкурага боғлиқ. Каримов мафкураси халқ маънавиятни каби, мамлакат иқтисодни ва жамиятини ҳам ривожлантиришга яроқсиздир.

Аждодларимиз мероси бўлган Исломни мафкурамизга асос қилиб олсак, биз албатта мамлакат ривожланиш барқорорлигига эришамиз.

Жамиятнинг барқарор ривожланиши, жамият аъзоларининг иймон-этиқоди аа бажарган амалларига боғлиқ.

Яъни: -Зикр. Аллоҳнинг номини ҳамиша зикр қилиш (тилда ва дилда).

-Шукур. Яратганга ва яратганига шукур қилиш.

-Тақво. Асосланган тафаккур билан иш юритиш.

-Интилиш. Ҳамиша улуғ мақсадлар сари интилиб яшаш. Жаннатга кириш учун интилиб яшаш.

Бандасининг ниятидан чиққан бундай кундалик амаллар, уни жамият нуқсонлари билан келишмайдиган ҳолатга келтиради.

Жамият мукамаллашади. Пирахўр амалдор, ҳатто бугунги президент ҳам, бундай жамиятда ўз ҳузур ҳаловатини йўқотган бўлар эди.

Халқ ҳақиқатдан ҳам «давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи»га айланган бўлар эди.

Жуманиёзов Нураддин
Эрк партияси аъзоси.

ЎШ ШАҲРИ “ШАҲИД ТЕПА” МАСЖИДИДА ФОСИҚ ВА СОҚОВ ИМОМЛИК ҚИЛИШМОҚДА

Ўш шаҳридаги “Шаҳид тепа” масжидида 7 июнь куни жума намози олдидан, Мирлан исмли Имом, “Ўш воқеаларининг 3 йиллиги олдидан, Гапиров Равшан исмли одам икки миллатни ўрталарини бузиб, уришишларга олиб борадиган мақолаларни ўзбек, қирғиз ва рус тилларида ёзиб тарқатиб юрибди экан. Сизлар уни ёзганларини олманглар, ўқиманглар ва у билан гаплашманглар. У провокаторлик қилябди”, деб эълон қилибди.

Имомнинг олдида 2-3 милиция ходимлари ҳам турган экан. Уч кун ичида Имом Мирлани масжидда учратиб, ўзимни танитдим ва “Мен билан учрашиб, сўраб, аниқламай туриб, нега милиция ходимларининг тухмат сўзларини жамоатга эълон қилдингиз. Менинг мақолаларимдан биронтасини ўқиб кўрдигиз-ми. Мен ҳеч қачон миллатлар ўртасини бузишга ҳаракат қилган, ёзган ёки гапирган эмасман. Сиз эса, менга далилсиз тухмат қилибсиз-ку”, деганимда, Мирлан “Бир кун олдин йиғилишда сизни гапирган (мэриядаги йиғилишда шаҳар мэри М.Мирзакматов мени провокатор деб гапирган), милициялар ҳам айтишди, уларнинг сўзи мен учун далил бўлади”, деб жавоб қайтарди. Бу чаласовод имом билан бошқа гаплашишни хохламадим ва “Сиз билан қозининг олдида гаплашамиз” деб, чиқиб кетдим.

Аллоҳнинг уйида Имом, минбардан туриб менга очик тухмат қилди;

“Покиза аёлларни (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар(ни), уларни саксон дарра уринглар” (Нур сураси 24:4)

Изоҳ: Маълумки жамият интизомини издан чиқарадиган нарсалардан бири, турли миш-мишлар тарқатишдир. Шунинг учун, ислом динида бировлар ортидан миш-миш тарқатиш, бировни бузуқликда айблаб, тош отиш, фосиқлик деб аталиб, қаттиқ қораланади ва бундай кимсаларга мазкур оятдаги жазо берилади ҳамда уларни гувоҳликлари ўтмайдиган ёлғончилар, деб эълон қилинади. (Мана шу ҳукм, тухматга таълуқли бўлган ҳамма ҳолатларда қўлланилади).

Шу масала бўйича, 23 июнь соат 9-00 да марказий Аб Бухорий масжидида шаҳар қозиси Убайдилла (0 777 104 656) билан икки гувоҳнинг олдида учрашиб, имом Мирланинг фосиқлигини айтиб, “Агар Мирлан жамоа олдида менга узрини айтмаса, шу масжид атрофидаги ҳамма мусулмонларга имомнинг фосиқлигини ёзма турда тарқатаман”, деб, огохлангирдим.

Қози Убайдилла билан суҳбатлашганимдан кейин ҳам 28 июнь, 5-12-19-26 июль ва 2 август, 8 август ҳайит, 9 август жума намозлари ўтди.

Лекин, имом Мирлан тухматини қайтиб олмади, мендан узр сўрамади, ўзини фосиқликдан покламади. Шундай қилиб, имом Мирлан тухматчи бўлиб,

фосиқликни бўйнига олган ҳолда имомлик қилмоқда. Бу ишлардан (иккинчи) имом Раҳматилло ҳам хабардор. Аммо, у ҳам ўз фикрини билдирмай, соқов шайтондек юрибди.

Мухаммад (с.а.в.): “Ҳақни айтмай сукут қилувчи кимса, соқов шайтондир”, деганлар.

“Уни эшитган пайтингизда: “Бу (миш-мишни) сўзлаш биз учун жоиз эмасдир. Эй пок Парвардигор, бу улуг бўхтон-ку! десангизлар бўлмасиди?” (Нур 24:16).

Оятдан кўриниб турибди-ки, биров сизга, бировнинг устидан далилсиз нарсаларни гапирса, уни бўхтон қаторида қабул қилиб, бошқаларга тарқатманг!

Оят ва ҳадисдан хулоса чиқарсак, имом Мирлан “Фосиқ” ва “ёлғончи”, Раҳматилло эса, соқов шайтон бўлди. Уларнинг ортида намоз ўқиш жоиз эмас. Яна бошқа ҳолатлар бор-ки;

Намозда имомликка ўтишга кимлар ҳақлироқ?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Намозда имомлик қилиш, шариатда шартлари белгиланган масъулиятли ишдир. Уни мазкур шартларни ўзида мужассам этган ҳар бир мусулмон шахс адо қилиши мумкин. Шу боис, намозда имом бўладиган шахс ҳақида келган шаръий ҳукмларни билиб олмоғимиз лозим.

Имомликнинг тўғри бўлиши учун қуйидаги шартлар бўлиши керак:

1. Ислоҳ. Имомликка ўтадиган шахс, аввало, мусулмон бўлиши керак. Мусулмонмас одам имом бўлиши мумкин эмас. Киши, агар бировнинг мусулмонлигини аниқ билмай туриб, унинг орқасида намоз ўқиса, намози қабул. Намоздан кейин имомнинг мусулмонлиги аниқ бўлса, ҳеч гап йўқ. Аммо унинг мусулмонмаслиги аён бўлиб қолса, намозни қайтадан ўқийди.

2. Ақл. Ақли йўқ одамнинг ортидан намоз ўқиб бўлмайди.

3. Балоғатга етган бўлиш. Балоғатга етмаган бола имом бўла олмайди.

4. Эркаклик. Аёл ва хунаса эркакка имом бўлиши мумкин эмас.

5. Таҳоратли бўлиш. Бетаҳорат одам имом бўла олмайди.

6. Қироат ва арконларни яхши қила олишлик. Қироатни дуруст қила олмайдиган кишининг ортидан, ундан кўра илмлироқ кимсанинг намоз ўқиши жоиз эмас. Бундай одам фақат ўзига тенг ёки пастроқ савияда бўлган кишиларга имомлик қилиши мумкин. Қори одам оми одамнинг ортидан намоз ўқишига тўғри келиб қолса, қори ўз намозини қайтадан ўқийди. Шунингдек, рукуъ, сажда, қаъда каби намознинг руқнларини қила олмайдиган одамнинг ортидан соғ одам намоз ўқиши ҳам жоиз эмас.

7. Бировга намозда иктидо қилиб турмаган бўлиши шарт. Бунда у айни вақтда имомга иктидо қилиб турибди-ми ёки имомга кечикиб иктидо қилгани учун намознинг қолганини ўзи давом эттирмоқда, фарқи йўқ.



8. Узрлардан саломат бўлмоғи.

«Узрлар» деганда, доимо бурнидан қон оқиб туриши, сийдиги оқиб туриши, ел чиқиб туриши каби нарсалар тушунилади.

9. Тили бурро бўлиб, барча харфларни тўғри талаффуз қила олиши шарт. Тили чучук ёки дудук кишилар имом бўла олмайдилар.

Имомликка ўтишга ҳақлироқ бўлганлар тартиби қуйидагича:

1) суннатни билувчироғи; 2) қорироғи; 3) парҳезқорроғи; 4) ёши каттароғи;

Набий (с.а.в.): «Қавмга, уларнинг ичидан Аллоҳнинг китобига қорироқлари имом бўлади. Агар қироатда баробар бўлсалар, суннатни яхши биладиганлари. Агар суннатда ҳам баробар бўлсалар, ҳижрати олдинроғи.

Агар ҳижратда ҳам баробар бўлсалар, ёши каттароқ бўлганлари.

Бир одам ҳеч қачон бошқа бировга унинг салтанатида имомлик қилмасин ва унинг уйидаги ўзи учун тайёрлаган жойига ўтирмасин. Магар унинг изни ила бўлса, майли», – дедилар.

Абу Масъуд (р.а.)

Ушбу ҳадиси шарифда, ким имом бўлишга ҳақлироқ экани кетма-кет бир неча сифатлар ила баён қилиб берилмоқда.

Шу билан бирга, уламоларимиз таъкидлаганидек, мазкур сифатларда ўша вақт воқеълиги эътиборга олинмоқда.

Келинг, яхшиси ўша сифатларни бирин-кетин кўриб чиқайлик.

Аввало, ҳар бир қавмга уларнинг ичидан:

- «Аллоҳнинг китобига қорироқлари имом бўлади» — Бу, имом танлаш вақтида, аввало, Қуръонни билиш, қироат қилиш сифатига қаралади, деганидир.

- «Агар қироатда баробар бўлсалар, суннатни яхши биладиганлари» имом бўлади.

Баъзи уламолар имомликка даъвогарлар ичидан муносибини танлаш учун худди шу тартиб йўлга қўйилиб, биринчи навбатда қори, иккинчи ўринда олим туради, деганлар.

Уларнинг асосий далиллари ушбу ҳадиснинг зоҳири – юзаки маъносидир.

Лекин жумҳур уламолар, жумладан, Ҳанафий мазҳаби уламолари ҳам суннатни яхши биладиган олим киши қоридан муқаддам қўйилади, деганлар.

(Давоми кейинга саҳифада)

ЎШ ШАҲРИ “ШАҲИД ТЕПА” МАСЖИДИДА ФОСИҚ ВА СОҚОВ ИМОМЛИК ҚИЛИШМОҚДА

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Чунки, олим одам намозга керакли Куръон кироатини яхши билиши турган гап, аммо қори одам намозда юзага келиб қоладиган масалаларни дарҳол хал қилиб кета олмаслиги мумкин, дейдилар.

Ушбу ҳадисда қорининг муқаддам қилиниши, саҳобаи киромларнинг қорилари уларнинг энг олимлари бўлганлиги эътиборидандир.

Демак, намоз ҳақида энг илми кўп одам, ошқора фахш, гуноҳ ишлардан четда бўлиши ва Куръондан намоз учун зарур қисмини яхшилаб ёдлаб олган бўлиши шарти билан, имомликка энг ҳақли одам ҳисобланади.

Имомларнинг шаръий вазибалари нималардан иборат?

Жамоат имоми ўз жамоатининг раҳбари, уларнинг йўлбошчиси, намозларининг ва бошқа ибодатларининг тўқис бўлишида асосий хизмат кўрсатадиган пешвоси ҳисобланади. Шу билан бирга, имомгарчилик имомнинг зиммасига бир қанча масъулиятлари ҳам юклайди.

Имом, аввало, жамоатнинг намози тўқис адо этилишини таъминлаши лозим. Намозга вақтида келиши, жамоатни мунтазир қилмаслиги, имкон қадар уларга намозни ўқиб беришга интилиши, зарурат юзасидан кела олмаган тақдирда, ўрнига бирор кишини тайинлаш билан, жамоатга машаққат тушишининг олдини олиши лозим.

Шунингдек, имом намоз ўқиб беришда суннатларга қатъий риоя қилиши, жамоатдаги заифларни доимо эътиборда

тутиши, жамоатни моллантирмаслиги, уларнинг шариатга мувофиқ келадиган тақлифларини инобатга олиши даркор.

Бугунги кундаги масжид имомлари масжидга қарашли ҳудуддаги мусулмонларнинг жаноза намозларига ҳам масъул ҳисобланади. Аммо, майитни ювиш, фотиҳахонлик ва бошқа издиҳомлар борасида бу масъулият йўқ. Имом мазкур вазибаларни адо этиш баробарида, шариатга мувофиқ бўлган барча ишлар билан шуғулланиши мумкин.

Кези келганда шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, жамоат доимо ўз имомини эҳтиром қилиши, унга итоатда бўлиши, турли фитна-фасодлардан уни ҳимоя қилиши лозим. Фикҳий китобларимизда, имомнинг моддий таъминоти ҳам жамоатнинг зиммасида бўлиши таъкидланган.

Расулulloх (с.а.в.): «Агар намозингизнинг қабул этилиши сизларни хурсанд қиладиган бўлса, сизга яхшиларингиз имом бўлсин. Чунки улар сиз билан Роббингиз орасида вакилингиздир», — дедилар. Ундан кейин қорироғи имомликка ҳақли бўлади. Яъни Куръонни яхшироқ қироат қиладигани, кўпроқ ўқигани. Кейин парҳезкорроғи ҳақли бўлади. Яъни, ҳаром ва макруҳлардан такво қилиш билан бирга, шубҳали нарсалардан ҳам ўзини олиб қочишда пешқадамроғи.

Мазкур сифатларда савияси тенг бўлиб қолган кишилар ичидан, ёши каттаси имомликка ўтади.

Энди, масала бошқа тарафда қолди. Яъни, Шаҳид тепа масжидига Мир-

лан ва Раҳматиллони, масжид атрофидаги жамоа ислом қондасига биноан сайладими? Бундан ташқари, уларнинг бири тухматчи фосиқ, иккинчиси соқов шайтон бўлиб турибди, шаҳар қозисининг эса бу ишлардан хабари бор. Энди, шу имомларнинг орқасида намозга туриш тўғрими ёки бошқа масжидга борган лойикми? Яна, баъзида бу масжидда жамоага нотаниш одам ҳам имомликка ўтмоқда, жума намозларида ўртада ҳолта айлангириб, масжиддаги қурилиш баҳона жамоадан пул ҳам йиғишмоқда. Яъни, ўзларини гуноҳдан поклаш ўрнига, имомлар пул йиғиш билан овера. Бу иш, Аллоҳнинг уйида шахсий манфаат учун бўлаётган ҳаракат эмасмикин? Кўпчилик имомлар масжидларни шахсий бизнесхона қилиб олганлари ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам масжид талашишлар бўлмоқда.

Эй мусулмонлар, масжиддаги мана шу ҳолатни биласизларми? Шаҳид тепадаги Аллоҳнинг уйида фосиқ билан соқов шайтон хизматда юрибди. Сизлар эса, уларнинг ортида намозга турибсизлар. Мана шу ибодатинглар, Аллоҳ олдида қабулмикин?

Билиб олинг! Ким-ки ушбу ҳолатни эшитиб, билганидан сўнг, Шаҳид тепа масжидига бориб, юқоридаги ўша имомлар ортидан намоз ўқисалар, уларнинг ётиб турганлари қолур ҳалос.

Бунинг далили ушбу оятдир:

“(Эй Муҳаммад, ҳеч қачон у масжидда намозга турманг! Биринчи кундан такво асосига қурилган масжид борки, сиз ўшанда туришингиз лойикроқ. Унда покликни севадиган кишилар бордир. Аллоҳ эса, ўзларини мудом пок тутгучи зотларни севав” (Тавба сураси 9:108).

Равшан Гапиров

СЕНТ-ЛУИСДА ЯНГИ ЎЗБЕКЛАР ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

Бугунги кунда дунёнинг турли бурчақларида истикомат қиладиган ўзбекистонликлар ўзаро бирлашиш, яхши ва ёмон кунларида бир-бирини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Айниқса, миллий қадриятларимизни, тилимизни асраб-авайлаш, янги келадиганларнинг жамиятга мослашувида кўмак кўрсатишга алоҳида урғу берилмоқда. Ана шу эзгу мақсадларда бугун турли жамиятлар тузилмоқда. Сент-Луисда тузилган ўзбеклар жамияти ҳам бунга яққол мисолдир. Биз мазкур жамият таъсисчиларидан бири Анвар Закиров билан ушбу масалада боғландик.

— Анвар ака, аввало, хайрли иш билан табриқлаймиз ва сизларга омад тилаймиз. Айтинг-чи, Сент-Луисда қанча ўзбек оилалари яшайди?

— Раҳмат. Шаҳарда элликка яқин оила бор ва ҳар йили камидан иккита-учта оила келиб қўшиляпти. Умуман, шаҳарда ўзбеклар жамияти ўсиб бораётганидан жудаям хурсандимиз.

— Тез тез учрашиб турасизларми?

— Бир йилда камидан 2 ёки 3 марта катта маросимлар ўтказамиз, мисол учун, Ҳайит ва Наврўз каби. Ундан ташқари, тўй ва шунга охшаш тадбирлар ҳам бир йилда 1-2 мартта бўлиб туради, шунда

ҳам ҳамма йиғилади. Қолаверса, деярли ҳар икки ҳафтада кичик йиғинларда дийдорлашиб тураемиз. Энг асосийси ва қувонарлиси, биз иноқмиз. Ким нима бўлишидан қатъи назар тадбирларга келади ҳамда бирга хурсандчилик билан ўтказамиз.

— Ташкилот очиш ғояси ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Куни кеча йиғинларимиздан бирида — ифторлик/акича маросимида ватандошимизнинг уйларида йиғилгандик, ана ўша ерда асосан ёшлардан бу тақлиф чиқди. Катталар дарҳол қўллаб-қувватлашди.

— Кимлар бу ташкилот таъсисчиси ҳисобланади?

— Ташкилот таъсисчилари шаҳардаги барча ўзбекистонликлар. Лекин юқорида айтганимдек, ташаббус асосан ёшлардан чиқди. Кимнингдур исмини айтишни хоҳламайман, чунки бу лойиҳа устида ҳаммамиз бирга ишляпмиз ва кейин кимнингдур исми ёдимдан чиқиб қолса, у одамнинг кўнглини оғритиб қўймай дейман. — Ташкилотни очидан мақсад нима?

— Уюшмадан асосий мақсадларимиз миллий байрамларда ҳаммани бир жойга жамлаб нишонлаш, янги келган ўзбекларга моддий, маънавий ва амалий ёрдам кўрсатиш ва Аллоҳ асрасин, лекин

ҳаммамизни бошимизда бор — оғир кунларда маросимларни уюштириш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш.

— Жамият олдидаги режалар?

— Ҳозир Рамазон ҳайитини чиройли қилиб нишонлашни режалаштиряемиз, ўша рамазон ҳайити сайлида UASTL ҳайъат азолари ва ижрочи масъулларни овозга қўйиб, сайлаб олмақчимиз, Худо хоҳласа! Кейин келажакда жамият учун бирон бино ижарага ёки сотиб олиб, ўзимизнинг маросимлар учун махсус хоналар, кундалик ишлар олиб бориш учун офис, насиб бўлса, яқин келажакда болаларимиз учун миллий руҳда, ўзимизнинг ўзбекчилигимизда тарбиялайдиган мактаб ташкил қилиш режаларимиз бор.

— Қандай тадбирлар ўтказмоқчисизлар?

— Худо хоҳласа, Рамазон ҳайитидан кейин Курбон ҳайитини нишонламоқчимиз ва ундан кейин Наврўзни. Ундан ташқари, шу ой Сент-Луисдаги ўзбек жамоаларининг энг хурматли оилаларидан бири Усмонов Акмал ака оиласида хурсандчилик бўляпти, у кишининг қизлари турмушга чиқаяпти. Чикаголик ўзимизнинг ўзбек йиғитига. Шу хурсандчилик маросимига ҳам барча ўзбеклар тақлиф қилинган. Худди Ўзбекистондаги каби автобуслар ёллаб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Чикагога қиз узатиб кетяпмиз.

vatandosh.uz

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

Бу шеър жуда мискин бир шеър. Аммо ўша 87-йилда ёзилган бўлса ҳам бугунги кунимизга мос келади. Фикримизча 2000-йиллар ва 90-йиллар бошидаги синовдан ўтган ва ўта олмаганларнинг сони орасидаги фарқ худди 30-йилларда Сталин катағонида синовдан ўтган ва ўта олмаганлар сони ўртасидаги фарқ каби каттадир. Яъни, синовдан ўта олмаганлар мингларча бўлса, ўтганларнинг сони балки юзтага ҳам етмаса керак.

Шоир Абдурауф Парфи:

- Ҳар бир шеърнинг манавий нуқтаси - унинг ватан ҳақида ёзганлари эди, озодлик ҳақидаги, эрк ҳақидаги шеърлари эди. Шу маънода унга ўз тенгдошлари ичида, умуман ўзбек шеърлятида бир янги ғояни олиб чиққан шоир сифатида қарашни хоҳлардим. Биз балки бундай тухмагларга қолишини билмаганмиз, албатта. Гарчи ҳаммаси ёлғон эканлигини била туриб, унинг собиқ дўстлари уни айблаб мажлислар ўтказишганида хайратга тушиб, кулоқ солиб ўтирганман. Булар дўстлари эди-ку унинг ҳамдастурхон эди булар, бир нонни бўлиб ейдиган инсонлар чиқиб, «бизга бундай соткин шоир керак эмас, шеърларини ҳам ҳеч ким тўшинмас эди, шеърлари ҳам ҳеч кимга керак эмас», деган гапларни гапириб чиқиб мени хайратга солди ўзларининг тенгдош дўстлари. Муҳаммад Солиҳ 10 йиллардан буён узоқларда юрган бўлса бу йилларни миллатимизнинг, халқимизнинг синов йиллари десак ҳам бўлади. Балки бу Муҳаммад Солиҳ учун ҳам синов йилларидир. Бу синовдан жуда кўпчилик ўзбек шоирлари ўтолмади.

Бошловчи:

- Муҳаммад Солиҳ ака, сиз ижодга тулган пайтда сиёсатга ўтиб кетдингиз, ёзмай қўйдингиз. Кўплаб ўқувчиларингиз бундан афсусландилар ҳам. Ўзингизда ҳам шундай туйғу кечмадимми?

Муҳаммад Солиҳ:

- Йўқ, мен бу манода афсусланганим йўқ. Тўғриси афсусланишга вақт бўлгани ҳам йўқ. Сиёсатга кирдим, чунки бу бир миллий вазифа эди. Вазифа ҳали ҳам битгани йўқ. Сиёсатни шеърдан устун қўйдим, чунки сиёсат куллуқдан кутилиш йўлида, озодлик йўлида шеърятга нисбатан кучлироқ восита эди. Уни мақсадга эришгунча қўлланишга қарорим қатъий ва мен сиёсатни давом эттирмакчиман. Балким бир кун келиб шеър ҳам ёзиш мумкин аммо бугун бунга вақт йўқ. Бу хусусда ҳатто ўша 75-йилда, бундан 25-29 йил аввал ёшлиқда ёзилган битта шеърни кўриб қолдим. Унда айтилади-ки: «Менда имкон бор ҳали шеър - севги деб алдамасликка, озодликни севган инсонни! Бисотимда имкон бор ахир, қаламни синдириш имкони», деб ёзган эканман ўша пайтда. Яъни, халқимизнинг озодликка эришиш имкони пайдо бўлганини кўрганим кун ўша шеър ёзадиган қаламни - мажозий маънода эмас - реал маънода синдирдим ва

мақолалар ёзишга ўтдим.

Бошловчи: Азиз тингловчилар, бу орада Муҳаммад Солиҳнинг янги шеърларидан бирини тинглаб сўнг суҳбатларимизини давом яна этгирсак. Шеърни шоирнинг ўзи уқийди:

Муҳаммад Солиҳ овози:

Ғариб дарахт

Одамлар каби мен дунёни кезиб ёза олмадим-ку шеърый туркумлар, чунки ота юртдан чиққаним сезиб, тарк этарлар мени хижо, рукнлар.

Чунки келиши-чун кўзларимга ёш пайдо бўлиши-чун илҳом юракда, менга жуда зарур аччиқ бир кўёш, кескин континентал иқлим керақдир.

Шундай экан, денгиз кирғокларидан, яшил ўрмонлардан менга сўз очма, мен ёлғиз Туркистон тупроқларида ўса оладиган ғариб оғочман...

Муҳаммад Солиҳ шеърятининг унинг илк асарлариданок бош ғояси мустақиллик, эрк, Туркистон мавзулари эди дейди шоир Абдурауф Парфи:

- Муҳаммад Солиҳнинг биринчи кучли тебраниши унинг Туркистон ғоясини англаши, Туркистон руҳини билдириш, унинг шеърлятидаги бутун истиоралар, шеърый санъатлар Туркистонни англаш санъати эди. Шу билан мутлақо мустақиллик нима эканини билмайдиган хозиргача ҳам ёши 60-70 га бориб, ҳали шеърятнинг асоси нима эканидан беҳабар, бугун бемалол яшаб юрган шоирларимиз ҳеч қачон мустақиллик ғояси бўлмайди.

Бошловчи:

- Навбатдаги суҳбатдошим ёш ўзбек шоири Файзуллох:

- 1986 йилда «Фан ва турмуш» журналининг биринчи саҳифасида Муҳаммад Солиҳнинг қаламига мансуб бир шеър эълон қилинган. Бу пайтда агар эътибор берсангиз бугунги унча-мунча Ўзбекистон қахрамонлари нима дейиш мумкинлигини ҳали ўйлаб ўтирган, тарозининг қайси томонига ўтган маъқулрок деб ўйлаб турган бир пайтда Солиҳ шундай шеър ёзган:

Худо қарамади менинг райимга,
Буйруқни чиқарди, муҳрни босди.
Ва ижрочи фаришта қоқ манглаймга
Нотаниш ёзувда нимадир ёзди.
Кейин ерга тушдим уйдагилар ҳам
Ёзувни ўқий олмай бўлдилар сарсон
Ниҳоят марказдан келган бир одам
Ўқиди ва деди: сен - пахтақорсан.

Шу-шу олтин топган кул каби хурсанд
Юраман гўзалар очилса гулдай
Фақат мен қоламан келганда аёз
Олтинин йўқотиб қўйган кулдай.

Тушларимда эса сўқинаман баъд,



Ўнгимда-чи товба дейман асосан
Ҳар қалай энг ширин таомдир меҳнат
Энг катга идиш бу - сабр косаси.
дейди Муҳаммад Солиҳ.

Абдурауф Парфи:

- Ўзбек адабиётининг 20-аср тарихи Муҳаммад Солиҳсиз «ўзбек адабиётининг тарихи» бўлолмаслигини билган ҳолда ҳам у ҳақда лом мим дейилмайди. Илгари замонлар қандай лом мим демаслик керак бўлса, бугун ҳам шундай лом мим дейилмайди. Бу биз кулликка ўрганиб қолган, ҳақоратга кўниккан, ёвузликни келтириб чиқарадиган жаҳолатнинг кўринишларидир.

Бошловчи:

- Муҳаммад Солиҳ 10 йилдан буён мухожиратда яшайди. Шу давр мобайнида егишиб чиққан ёшлар унинг ижодидан хабардорми? Шу уринда Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирида ҳамкоримиз талабалар ўртасида ўтказган сўровни эътиборингизга баён этамиз:

Талаба:

- Муҳаммад Солиҳ фикрлашга қақиради шеърларида. Масалан, Усмон Азим билан солиштирганда У. Азим кўпроқ воқеъликнинг лирик баёнини беради. Муҳаммад Солиҳ воқеъликни аниқ реал ҳаракат қилади кўрсатишга.

Бошқа талаба:

- Муҳаммад Солиҳни бир марта ўқиганман. Ундан кейин рости гап уни ўқишга одам кўрққан, у ҳақда ҳатто ўйлашга ҳам кўрққанман, рости гап. Муҳаммад Солиҳ ижодини бир марта ўқиб чиққанман, лекин ҳали ҳам унинг қандайдир бир шувъласи ҳали ҳам ҳаёлимдан кетмайди.

Яна бошқа талаба:

- Ҳеч ким ўқишни таъқиқламаган, бизнинг мактабинг кутубхонасида турган Муҳаммад Солиҳнинг китоби. Ўшандан олганман, ўқиганман, мактаб пайтида. Бошқа талаба:

- Биласизми, бизда шунақа нарса борки, танқидга учраган одам ҳақида ҳамма нарсани таъқиқлаб қўйишади. Мен жда ҳам хоҳлардим Муҳаммад Солиҳнинг сиёсатчи сифатида эмас, шоир сифатида унинг ижодини ўрганишни.

(Давоми кейинги саҳифада)

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бизласизми шунақа шоирлар бор,
уларга зарур макон тушунчаси бегона.
Яна бошқа талаба:

- Менга Муҳаммад Солиҳнинг «Токи»
деб номланган шеъри ёқади. Бу шеърда
у ўзининг келажагини олдиндан
кўргандай туюлади:

Токи

Мендан юз ўгириб,
Кетиб қолганича токи хотиним.
Ўзимнинг фарзандим. Ўзимнинг болам
Ўзимни масҳара этганича то.

Токи номим
Лаънат тахтасига осилгунича.
То бўйнимга қилич тушганга қадар...
Дейману тўхтайман.
Наҳотки, дейман, наҳотки,
Шунча қурбон керак сенга, ҳақиқат?!

Бошловчи:

- Айни шудай лавҳани Андижондаги
ҳамкоримиз Турғунбек ҳам тайёрла-
ган. Ҳозир шу лавҳани эътиборингизга
ҳавола этамиз:

- Мустақил ижодкорлардан Рустам-
жон Қаюмов бугун вилоят аҳолиси,
айниқса ёшлар Муҳаммад Солиҳ шеъ-
рияти билан танишиш имкониятидан
маҳрум эканини айтаркан, мавзуга шун-
дай изоҳ берди:

- Менинг назаримда Муҳаммад
Солиҳнинг китоблари ҳозирги кунда
Ўзбекистонда сотувда йўқ, кутубхона-
лардан йиғиштириб олинган бўлса ке-
рак. Шаҳсан ўзим бирон кутубхонага бо-
риб учратмадим, бирон китоб дўконида
кўрмадим. Лекин менинг ўзимда унинг
бир нечта китоби бор.

Муҳаммад Солиҳнинг шеърий ки-
тоблари бугун вилоятдаги кутубхо-
наларида мавжуд эмаслиги борасида
суҳбатдошимиз Анорхол Ҳамдамова ҳам
шундай мисолни айтади:

- Бугунги кунда кутубхоналарда
йўқ. Менинг ўзим бир воқеага гувоҳ
бўлганман.

Мен халқдан бириман. Ўшанда ом-
борхонада китобларнинг аянчли аҳволда
чириб ётганини кўрдим. Кейин бир укам
шаҳар кутубхонасига келганда у ерда аж-
ратиб олиб ташлашаётган экан. Илтимос
килиб 20 надонисини ("Орзу Фуқароси")
китоби, 90-йилда чиққан) 20 тачасини
олиб борган 10 тасини биз олганмиз.
Бошқа бир суҳбатдошимиз Муҳаммад
Солиҳ шеъриятининг ўзига хос томон-
лари борасида ҳам кўшимчалар қилди
(эрак кишининг овози):

- Қисқа, лўнда ва чиройли ёзади. Чи-
ройли ёзади деганимнинг сабаби шунда-
ки, Муҳаммад Солиҳ шеърияти ҳозирги
замон ўзбек шеъриятининг энг олдинги
каторда туради десам адашмасам керак.

Навбатдаги суҳбатдош (аёл овози):

- Айтгандан кўра яхшиси сиёсий шеъ-
рларини ўқиб берай. Балким шунинг
учун номи қораланган. Эшитинг:

Ўт бор, ўлан бор, майсадан гилам бор,
Май бор, палов бор, алвон ранг ялов бор,

Бахт бор, саодат бор, тўй бор, зиёфат бор,
Ҳамма нарса бор ўзбекдан бошқа.
Қари бор, қартаг бор, каттаю кичик бор,
Аччиқ бор, чучук бор,

ит билан кучук бор,
Курт бор, кумурска бор,

илон бор, чаён бор,
Ҳамма нарса бор ўзбекдан бошқа.
Ўзбек қани? Ўзбек - пахтада!

Шунақа десам, болаларим бири кўйиб
бири: - Бугўйда, пиллада, шопопяда,
деб кўшиб кўйишади!...

Бошловчи:

- Азиз тингловчилар, сиз шоир
Муҳаммад Солиҳ ижодига бағишланган
эшиттиришимизни тингладингиз. Дасту-
римизни эса шеър билан яқунлаймиз:

(Муҳаммад Солиҳ:)

На гўзал

Бир ёнда ожизу, бир ёнда кучли
кураш бошлар экан тарафма-тараф
ожизнинг ёнини олганинг учун
«хоин» деб ном олмоқ нақадар шараф!

На шараф, халқини қул этган подшоҳ
«менинг душманам» деб сени атаса,
жазавага тушса исминг эшитган чоғ
китобингни ўқиб, йиртса, топтаса!

На шараф-ки зулмга «зулм!» деёлсанг,
бошингда ҳар куни синса-да таёқ,
шайтондан кўркмаслик нақадар гўзал,
на гўзал ягона Оллоҳдан кўркмоқ!

Маҳшар кунда

Орзу этмақдаман: ҳисоб кунда
Раббим кўрар экан менинг ишимни,
менга «қулим Солиҳ» дейиш ўрнига
«Солиҳ қулим» дея сасланишини...

МУҲАММАД СОЛИҲГА ЙЎЛЛАНГАН ТАБРИКЛАР

Шеърлари, ўткир публицистик
мақолалари ила менинг кўзларимни
очган укамни туғилган куни билан са-
мимий қулайман. 1993 йилда мен унга
бағишлаб шундай шеър ёзган эдим:

Сиз умрингиз оғрик кунларин
Кўшиб-бичиб оширмагайсиз,
Ҳамда унинг ёруғ кунларин
Ёмон Кўздан яширмагайсиз.
Ошкор, барвақт уйғонганингиз,
Шу тупрокни суйганларингиз,
Хамроҳингиз сўзига учиб,
Макри боис, тийғонганингиз...
Юрагингиз оҳи ҳам ошкор,
Кўзларингиз мохи ҳам ошкор.
Ҳамроҳингиз боёнлик истаб,
Сизга қазган чохи ҳам ошкор.
Жигар-бағри ўйилган найсиз,
Шу фарқ биздан уздирган сизни.
Шоирсиз-у кўп ҳам ёзмайсиз,
Ёлғон шеърлар бездирган сизни.
Орингиз бор бир Ватанчалик,
Бир халқчалик қарорингиз ҳам...
Ақлингиз бор олқишга молик,

Сиздан дуркун ағёрингиз ҳам...
Сизга букун боқмагай замон,
Буқунигиз руҳсиз, барорсиз.
Ўқинмангиз, Эртангиз томон
Ўлкан бўлиб кетиб борарсиз...

Яна бир бор туғилган кунингиз билан!
Халқимиз бахтига омон бўлинг!

Эхтиромлар ила: Гулчехра О п а н г и з
(Гулчехра Нуруллоҳ), 19. 12. 2004

КЕЧИККАН ДИЛ ИЗҲОРИ

..Ўзбекистонда бир шоир йигит бор
эди. Ўзини яхши танирдим-у, ёзган-
ларини яхши тушунмасдим. Юртнинг
илғор фикрли кишилари унинг Ғарб
услубида ёзилган бу шеърлари мавжуд
тоғалитар тузумга қарши исён экани-
ни урғулашарди. Мамлакатда Қайта
Қуриш ва ошқоралик бошланган кезлар
Ўзбекистонда демократик кайфиятда-
ги, хур фикрли ёшлар аллақачон унинг
атрофида тўпланиб улгуришган эди.
Порахўрлик, пахта яккаҳоқимлиги, Орол
фожиаси ва иккитиллиқка қарши ку-
раш каби сиёсий шиорлар атрофида
бирлашган илк норасмий гуруҳларнинг
ташқил топиши ҳам бевосита унинг иш-
тироки билан боғлиқ.

Кейинчалик у Ўзбекистон
мустақиллигини орзу қилган илк сиёсий
партияларга асос солади. Шоирлигини
ташлаб, сиёсат билан шуғулланишга
мажбур бўлади. Мустақиллик унинг як-
қаю ягона орзуси эди. Бу йўлда у ҳатто
ўлимга ҳам боришга тайёр эди. Давр ва
замон унинг елкасига ана шундай улғу
вазифани юклаган эди. Лекин бу саъий
ҳаракатлари учун у коммунистик ту-
зум ёрдамида ҳокимиятга келган янги
раҳбариятнинг кучли босими остида
қолади.

Афсуски, ўз Ватани озодлиги ва
мустақиллиги учун курашган, унинг
давлат сифатида шаклланишига муносиб
ҳисса қўшган бу йигитнинг буюк хизмат-
ларини шу Ватан ва Давлат тепасида тур-
ганлар юзсизларча ўзлаштириб олдилар.
Таъқиб ва таъйиқлар боис муҳожирликка
юз тутган ватанпарвар йигит учун Ватан
дарвозаларини ёпиб қўйишди. Яхшиям-
ки, кунгил йўлларига тўсиқ йўқ!

Мана ўн йилдирки, у мустақил бўла
туриб озодлик нималигини билмаган,
Давлат бўла туриб ўз ҳақ-ҳуқуқини та-
нимаган шўрлик халқнинг дийдорига
талпиниб яшайди. Гарчи, бу гумроҳ халқ
аслида ўз ҳатти-ҳаракати билан ўзига
муносиб ҳокимларга эга эса-да, барибир
унга ўқиниб, талпиниб яшайди йигит.

Мустақилликни орзу қилган ва охи-
рокибат мустақил Ўзбекистон давлатига
асос солган бу фидойи йигитнинг хо-
рижда - сиёсий муҳожирликда эртага ни-
шонланажак таваллуд куни боис менинг
гуноҳкор кунглимдан кечгани шулар
бўлди. Фикру ғояси юрт мустақиллиги,
яшашдан мазмун-мақсади - шу йўлдаги
курашдан иборат бўлган бу йигитнинг
номи - Муҳаммад Солиҳ!

55 ёш муборақ, ака. Эзгу-ниятларим-
ни қабул этгайсиз. Омон бўлинг.

Ҳурмат ва эхтиром билан
Исмаи ХУШЕВ 18.12.2004



Ич қотиши
Бола

ҳар сафар овқатлангандан сўнг, она сутини эмгандан сўнг ҳам, катта ҳожатга чиқиши керак. Бир кундан ортиқ давом этган ич кетишини ўзидан-ўзи йўқолишини кутмаслик керак, бунга қарши бирон бир чора кўриш лозим. 1 ёшдан кичик чақалоқларга қилиниши мумкин бўлган уч турли муолажа мавжуд:

Кўрсаткич бармоғи зайтун ёғига ботирилади, бармоқ билан боланинг ануси ва ичкараси массаж қилинади. Чақалоқнинг катта ҳожати дарров келади.

Бироз туз билан асал аралаштирилиб, боланинг анусига қўйилади ва массаж қилинади.

Эмизикли чақалоқларда 30-50 гр., 3-5 ёшдаги болаларда 70-100 гр. зайтун ёғи (хона ҳароратида) боланинг анусига резина помпа (қлизма копточкиси) билан юборилади. 10-15 дақиқа кутилгандан кейин ҳожатхонага олиб борилади.

Болага зайтун ёғи билан қлизма қилинади ва овқатланиши тартибга солинади, шунда ич қотишга сабаб қолмайди (“Қабзият” бўлимига қаранг).

Эмизадиган она чақалоғининг ичи қотмаслиги учун ўзининг ичкаларини даволаши керак. (“Қабзият” ва “Ошқозон ва ичкаларни даволаш” бўлимларига қаранг.)

Касал бола отасининг ҳикояси:

“11 ойлигида эпилепсия ташҳиси қўйилган. 6-чи ойдан эътиборан кунига 20 марта эпилепсия хуружларига дучор бўларди. Чақалоқда кучли ич қотиши борди. Катта ҳожатга 2-3 кунда бир марта чиқарди. Чақалоқнинг доктори ҳам, биз (ота-онаси) ҳам бунга эътибор бермасдик. Ойдин Солиҳ менга ич қотишининг сабабини тушинтирди, истеъмол қилаётган дориларини дарров ташладик. Зайтун ёғи билан ҳуқна (қлизма) ич қотиши йўқолиб кетгунча ҳар кун қилдик. Чақалоқнинг озикланишини тартибга солдик. Чақалоқнинг сунъий озуқаларини (тайёр бўтқалар ва болалар печеньеларини) табиий озуқаларга алмаштирдик. 3 кун очлик қилдирдик. Ҳозир эпилепсия хуружлари безовта қилмаяпти”.

ҚУЛОҚ ОҒРИҒИ

Мия метаболизм қолдиқларини ва токсик моддаларни қисман сочларга юборади, қисман қулоқ кирига айлантиради, қисман эса бурун оқиши ва кўз ёши воситасида ташқарига чиқариб ташлайди. Қолган қолдиқлар қулоқлардан йиринг шаклида ташқарига чиқади ёки ҳуснбузар, тошма, чипқон ёки яра шаклида қулоқларнинг орқасига туширилади.

Боланинг еганлари ёки эмизикли

ҲОМИЛА, ТУҒИШ ВА ЧАҚАЛОҚ ПАРВАРИШИ

чақалоқ онасининг еганлари носоғлом нарсалар бўлса, бу озуқалар ошқозон ва ичкаларда чирийдилар. Ахлатнинг ёмон хиди чириш жараёнидан далолат беради. Чириган озуқалардан қолган қолдиқлар қон воситасида мияга келади ва мия томиларида бирикмаси ва тикилишига, ҳарорат кўтарилишига, қулоқ оғриғига ва оқишига сабаб бўлади. (“Конвулсиялар” бўлимига қаранг).

Даво: Оғриган қулоқ устига илик сув тўлдирилган халтача қўйилади ёки товада туз иситилиб, тоза бир мато ичига қўйилиб, қулоқ устига бостирилади.

Бу муолажалар ҳарорат кўтарилгандан ва қулоқ оқиши бошлангандан кейин қилинмайди.

Бола дарров 2-3 кун оч қолдирилади. Сув ичишни хоҳласа, сув берилиши мумкин.

Айни пайтда пиёз суви сиқилиб, илик қошиқда илитилади ва ҳар бир қулоғига 3 томчидан томизилади. Қулоқ оқиши даврида пиёз сувини томизишни давом эттириш керак. Пиёз суви оқишни тозалайди.

Оқиш қулоқ пардаси йиртилганининг хабарчисиدير. Оқиш тугаса, саримсоқ суви томизилади. Саримсоқ йиртилган қулоқ пардасининг парчаларини бирлаштириб, ёпади, натижада қулоқ пардасида тешиқ қолмайди. Саримсоқ суви бироз ачитади, лекин фойдаси кўп.

Қулоққа томизилган ҳар нарса, албатта, илик бўлиб томизилиши керак, чунки қулоқ совуқликни яхши кўрмайди.

Оғриган қулоққа 4-7 томчи илик седана ёғи томизилади. Чақалоққа, қулоқ орқасига, энгса чуқурига седана ёғи суртилади.

Қулоққа пиёз суви ўрнига ёнғоқ япроғининг суви ҳам томизилиши мумкин. Пиёз суви ва ёнғоқ япроғининг суви қулоқ яллиғланишини қуритади.

Она сути билан озиқланидиган боланинг қулоғи оғрса, она ўзининг озикланишини тартибга солиши, боласини 1-2 кун оч қолдириши, кўкрагидаги сутни соғиб ташлаши ва боласининг қулоғига пиёз суви томизиши лозим.

Охириги илмий тадқиқотларда томир тикилишлари 2 ёшли болаларда рўй бериши аниқланган.

Бизнингча, 2 ёшдан кичик бўлган, ҳарорати кўтарилган чақалоқларнинг қон айланиш тизимида ҳам тикилишлар мавжуд. Чунки ҳарорат фақат вужудда қолдик бирикмаси ва тикилиш бўлган чақалоқларда кўтарилади. (“Конвулсиялар” бўлимига қаранг). Катталар ҳазм қила олмайдиган овқатларни чақалоқларнинг фақат она сутига мослаштириб яратилган ҳазм тизими асло ҳазм қила олмайди. Ҳазм бўлмаган озуқаларнинг қолдиқлари эса тикилишларга ва сурункали токсик гепатитга сабаб бўлади. (“Сурункали токсик гепатит” бўлимига қаранг)

Бодомсимон безларнинг шишиши (Ангина)

Ангина умуман 3-15 ёшдаги болалар

орасида кўп учрайди. 15-25 ёш орасидаги одамларда ангина анча оз бўлади. 25 ёшдан кейин эса жуда кам кузатилади.

Бунинг маъноси шундир: табиий озуқалар билан озиқланмайдиган, аралаш ейдиган, тайёр овқат ва ичимликларни истеъмол қиладиган, 15 ёшдан кичик бўлган болалар ангиная дучор бўлалар.

Чунки иммунитет тизими танага келган зарарларни дарҳол, энг қисқа йўл билан танадан узоқлаштириш учун бутун куч билан ҳаракат қилади. Бунга илк босқичда кучи етмаса, химояланишнинг иккинчи босқичига ўтади. Бу босқичда бодомсимон безлар -иммунитет тизимининг кириш эшиклари - шишади ва қонни тозалайдилар. Бу шаклда ичкаларни, жигарни, ўпкаларни юракни ва бўғимларни химоя қиладилар.

Аммо йиллар давомида ошқозон ва ичкаларга келган зарарли озуқаларнинг сели, ҳар ангинаяда қўлланиладиган иситмани туширувчи дорилар ва антибиотиклар иммунитет тизимини заифлаштиради ва бодомсимон безлар ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолга келишади.

Шу тарзда инсон катта бўлганида ангиная эмас, бошқа турдаги касалликларга учрайди.

Ангинаядан сақланишнинг ягона чораси – дорилар ёрдамида ангиная қарши курашмасдан, ангинанинг нормал кечишига ва яқунлашишига имкон беришдир.

Кейин тайёр бўтқа, печенье, шоколад, чипс, сакич, тайёр мева сувлари, қолали ичимликлар каби тайёр таом ва ичимликлардан, узоқ муддатли ва пастеризация қилинган сутлардан, маргаринлардан ва гидрогенлаштирилган суюқ ёғлардан, аралаштириб ейишдан, туриб қолган (эски) ва иситилган овқатлардан тамоман воз кечиш керак.

Бодомсимон без шиша бошласа, болани 3 кун оч қолдириш керак. Бола жуда истаса, олма, лимон, грейфрут, олча ва янги сиқилган мева сувларини сув билан аралаштириб бериш мумкин. Бола қаршилик қилмаса, 3 кундан кейин ҳам унга овқат едирмасдан, мева ва мева сувлари билан қиёяланиш яхшидир.

Эмизикли бола касалланса, уни 1-2 кун оч қолдириб, унга фақат лимон ёки грейфрут сувини сув билан аралаштириб ёки асал сиропи берилиши мумкин. Она ҳам ўзининг озикланиш тартибини тугатса, боласининг ангина бўлиши учун ҳеч бир сабаб қолмайди.

Бодомсимон безларнинг шишиши билан биргаликда ҳарорат ҳам кўтарилади.

Бу ҳолатда ҳароратнинг 39-39,5 даражага кўтарилиши зарурийдир.

Ҳарорат бундан ошмаслиги учун юқорида кўрсатилган тарзда зайтун ёғи билан ҳуқна (қлизма) қилинади; совуққа яқин илик сув билан ювилади, қуритилиб ётоғига ётқизилади.

Бу ишловлардан кейин ҳарорат дарров 1,5-2 даража пасаяди.

Ҳар сафар ҳарорат кўтарилганда, болани совуқ сув билан ювинтириш керак.

(Давоми кейинги саҳифада)

ҲОМИЛА, ТУҒИШ ВА ЧАҚАЛОҚ ПАРВАРИШИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Боланинг терисини тоза тутиш жуда муҳимдир, чунки тер билан кўп микдорда захарли токсин моддалар ташқарига чиқади, уларни теридан узоқлаштириш, тери тешикчаларининг тикилиб қолишига йўл қўймаслик зарур. Бу муолажа натижасида бола 4-5 кун ичида яхши бўлади.

Болаларнинг бақиришлари ва йиғлашлари бодомсимон безларни массаж қилиб, қон ва энергия айланишини тезлаштиради, ангинанинг олдини олади ёки ундан тузалишни осонлаштиради.

Пневмония

(Ўпкаларнинг яллиғланиши)

Ўпкаларда балғамнинг тўпланиши нафас олишни қийинлаштиради. Вужуд ҳароратнинг кўтарилиши, йўталиш, балғамни эритувчи микроблар ёрдамида балғамни эритишга ва ташқарига чиариб ташлашга ҳаракат қилади.

Ҳароратнинг кўтарилиши ва йўталиш ўпкадаги балғамларнинг ташқарига чиқиши ва пневмониянинг енгил ўтиши учун жуда фойдалидир.

Шудай бир пайтда болага ҳароратни туширувчи ва антибиотик дорилар берилса, ҳарорат тушади, юзаки қараганда, бола тузалгандай бўлади, аммо балғам ўпкалардан чиқолмай, у ерда қамалиб бирикмаси натижасида, пневмония яна такрорланади. (“Касалликларнинг бошланиши ва ривожланиши” бўлимига қаранг.)

Олинган антибиотиклар зарарли микроблар билан бирга фойдали микробларни ҳам ўлдирди, шунингдек, фермент, гормон ва қон ишлаб чиқаришга ҳамда иммунитет тизимига салбий таъсир кўрсатади. Организм суянчиксиз қолади, бошқа касалликларга ҳам эшиқлар очилади.

Давоси 72 соат (3 кун, 3 кеча) болага ҳеч нарса бермасдан, оч ва сувсиз қолдиришди. (“3 кунлик очлик” бўлимига қаранг.)

Болалар роҳатланиб оч қолишади ва очлик натижасида пневмония шундай осон кечади-ки, 48 соатдан кейин ўпка ҳеч қандай касал кўрмагандек тоза кўринади. Энг оғир пневмония ҳам 3 кундан кейин йўқолади.

Очликдан кейин янги мева сувлари, янги мева ва сабзавотлар, жигарларни ювадиган табиий дорилар берилади. (“Ўпкаларни тозалаш” бўлимига қаранг.)

Ўпка яллиғланишини бошидан кечирган бола очик ҳавода кўп қолиши керак, тузалганидан кейин ташқарида соатлаб юриши ва ўйнаши керак. Шапқаси юпқа бўлиши лозим, қалин кийим кийдирмаслик керак, бурун ва оғзини ёпмаслик керак. Ўпкалардаги қолдиқлар кўп ҳаракатланиш ва йўталиш натижасида ҳам ташқарига чиқади.

АЛЛЕРГИЯ

Эмизиладиган болалардаги аллергия манбаи - уларнинг оналаридир. Кир ювиш воситалари, қишлоқ хўжалиги дорилари каби оғир захарли моддалар билан ишлайдиган; ўғит, кир ювиш во-

ситалари, алюминий ва шунга ўхшаш бошқа кимёвий моддаларни ишлаб чиқарувчи заводларга яқин яшайдиган, у ерларда ишлайдиган ёки кимёвий дорилардан кўп фойдаладиган аёлларнинг организмларига кириб олган захарли моддалар аёл хомиладор пайти унинг хомиласига ўтади. Тукқандан кейин онанинг қорнидаги захарли моддалар унинг сутига ўтади. Аллергия – организмнинг ташқаридан келган моддалардан химояланиш реакциясидир.

Аллергиядан қутулиш учун ҳеч қандай дорининг кераги йўқ. Она ўзининг озикланишини тузатиб, ичакларини даволашни бошлаши керак. Ичакларини даволагандан кейин жигарни тозалашни амалга ошириши лозим. (“Жигарни тозалаш” бўлимига қаранг.)

Чақалоқни 2 кунда бир марта чўмилтириш керак, чўмиладиган сувга тош тузи қўшилиши лозим.

Ёки: 200 гр. арпа сомони (дорихоналарда топилади) ярим соат давомида паст оловда қайнатилади ва усти сочиқ билан ёпилиб, 2-3 соат дамга қўйилади. Кейин сузилиб, чўмиладиган сувга қўшилади. Арпа сомонининг ўрнига ачитки ўти, кичик қарағай шодалари, октерак япроқлари ва мойчечак худди шундай тарзда қўлланилиши мумкин. Қичитки ўтини ва мойчечакни қайнатмасдан, фақат длаш керак. Шу тарзда ювинтирилгач, чақалоқнинг танасига кичик, сариқ, йирингли яралар чиқиши мумкин. Бундан қўрқмаслик керак ва чўмилтиришни давом эттиравериш керак. 3-4 марта чўмилтиргандан кейин йиринглар тўхтайдди, яралар битади, тери тозланади.

Бу муолажа билан бирга она маълум муддат чақалоғи билан бирга ҳафтада бир марта олдинга 24 соатлик, кейин эса 36 соатлик очлик қилиши керак. Очлик пайти она кўрагидан келган сутини соғиб ташлаши керак. Очликлар орасида овқатларда янги сабзавот ва мева кўп бўлиши керак.

ҚЎРҚУВ

Чақалоқлар 40 кунлик бўлгунга қадар қатталар кўра олмайдиган борликлар ва инсонларнинг ҳақиқий қиёфаларини кўра оладилар.

Улар 2 ёшга тўлгунча ўзининг дунёга келганлигининг сабаби ва бошқа нарсаларнинг сабабини билишади. Шу сабабдан уларнинг ҳар бир ҳаракати алоҳида маънога эга.

Нормал туғилган болалар - 7 ёшигача, “Цезар амалиёти” воситасида туғилганлар, айниқса, онасининг иккинчи ва учинчи туғишида бу жарроҳлик ёрдамида туғилган болалар биз кўра олмайдиган борликларни умр бўйи кўриши мумкин ва улардан қўрқиб яшаши мумкин.

Ота-оналар қўрқадиган болаларни ёлғиз қолдирмасликларини керак. Болаларига “Ла илаҳа иллаҳох” ҳамда “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ” айтишни ўргатиш керак, Қуръони Каримни ўқишни ва қанчалик эрта, қанчалик кўп

ёдлай олишса, шунчалик кўп сура ва дуоларни ёдлагтиш зарур.

“Ҳомиладорлик” бўлимида ифодаланганидек, олдин “нутфа”нинг (“зигота”нинг), кейин “ҳомила”нинг ҳужайралари, сўнгра боланинг мияси - атрофдаги барча ходисаларни, суҳбатларни, овозларни ўз хотирасига аниқ ёзиб олади.

Она ва унинг қорнидаги бола ҳузурли бўлса, бу ёзувлар ҳужайра ёки мия томонидан фақат маълумот сифатида қўлланилади. Аммо ҳолсиз, касалманд, ярали, ҳароратли, кўркувга қўмилган онанинг ичидаги бола миясига ёзилган ҳар бир сўз, товуш тўлқини чақалоқ миясида тегишли дастур яратади.

Мана шу дастур кейинчалик, яъни бола туғилиб, катта бўлгач, компьютер вирусидек ишлаб бошлайди.

Масалан, хомиладор бир аёлга шиддат билан: “Жим!”, дейилса ва бунинг натижасида у қўрқса, ана шу “жим” сўзи юзага келтирган товуш тўлқинлари онаси билан бирга қўрққан чақалоқнинг миясига ўрнашади.

Кейинчалик чақалоқ она қорнида ҳам, туғилган бўлса ҳам, ҳар сафар мана шу сўзни эшитганда, миясида шу сўз туфайли юзага келган дастур (программа) ишга тушади.

Бола гапира оладиган бўлганда, дудуқлана бошлайди ёки узоқ муддат гапира олмайди. Болани мана шу дастурдан қутқариш учун уни маълум муддатга ота-онасидан узоқлаштириб, бошқа муҳитга кўчириш керак. Шунда ана шу дастурни ишга солувчи сўз бир муддат эшитилмаслиги сабабли бола миясидаги дастур заифлашади, натижада дудуқланиш ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади.

Бундай тарзда юзага келган дастурларнинг аксарияти хомиладор аёл ва чақалоқ яшаётган муҳитга боғлиқ бўлиб, чақалоқнинг миясида ундай дастурлардан бир неча юзта ёзилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Исломда аёлларга ва болаларга юқори овоз билан гапириш, шиддатли тарзда буйруқ бериш, уларни қўрқитиш ва уриш таъқиқланган.

Муслмон одам ўз боласига ҳам, бошқасига ҳам “Истайсанми, қарайсанми, қиласанми, тинчланасанми?”, каби илтифот оҳанги билан муурожаат қилади.

Юқориди айтилган дастурлар, бола миясида “Цезар амалиёт” ёрдамида туғиш, умумий анестезия воситасида амалиёт, ҳалокатлар ёки касаллик давомида юзага келиш эхтимоли жуда юксак.

Масалан, амалиёт пайтида доктор ҳамширага: “Сен бунни қила олмайсан”, деса, боланинг миясида давомли равишда ишлайдиган “сен бунни қила олмайсан”, деган дастур вужудга келади ва натижада бола ташаббуссиз, ҳеч қандай иш қила олмайдиган киши бўлиб етишади.

Ёки доктор ҳамширага “Тезроқ бўл”, деса, бола ҳаётда доим шошилиб яшайди. Ёки она хомиладор пайти, ёки анестезиянинг таъсирида уйғониб, “ошқозоним айнипти”, деса, ҳаётда боланинг тез-тез ошқозони айнийдиган бўлади.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Телевизор турган хонада ухлайдиган боланинг мияси ҳам худди шундай хавф остидадир. Болаларда кузатиладиган ҳаддан ортиқ ёмон ҳагги-ҳаракатлар, хулқ-атвор уларнинг миясида анча аввал жойлашган тегишли дастурлар билан боғлиқдир.

Фақат сунъий тўлғоқ билан эмас, нормал туғиш орқали дунёга келган, телевизор кўрмайдиган, компьютер ўйинлари ўйнамайдиган, кўшимчали озуқалар истеъмол қилмайдиган, онасининг сути ва табиий озуқаларни истеъмол қиладиган, эмланмаган, соғлом, кучли болаларнинг шўх ва тўполончи бўлишлари нормал ва табиий ҳолатдир.

Ҳадиси Шарифда: “Боланинг тўполончи бўлиши қатта бўлганидан унинг ақлли бўлишидан дир”, дейилган.

Олдинлари мусулмон оилалар болаларини тарбиялаш учун бошқа бир мусулмон оиласига юборардилар. Шу тарзда болалар Қуръони Каримни ёдлаш билан машғул бўлиб, ота-онасидан ва атроф-муҳитдан олган зарарлардан тозалана эдилар.

Юқорида айтилган таъсирлар остида қолган болаларни даволаш учун “Гиперфаолик” бўлимига қаранг.

УЙҚУДА ТАГИНИ ҲЎЛЛАШ (СИЙИШ)

5 ёшдан кичик болаларда уйқуда тагини ҳўллаш (сийиш) пайдо бўлса:

3 кун очлик қилдирилади, 3-5 ёшидаги болаларга 4-чи кун мева суви ичирилгандан кейин кечқурун жигарни тозалаш амалга оширилади. Жигарни тозалашда 100-150 гр зайтун ёғи ва 100-150 гр лимон суви қўлланилади.

Ҳар куни эрталаб табиий асал сиропи ичирилади. Ҳар куни жийда едирилади.

Бир ой давомида бўтакўз, қоразира, жамбул, олча ёки гилос шодаларидан дамланган чой алмаштирилиб, кечқурун уйқуга ётишдан аввал ичирилади.

Ёки: 1 десерт қошиқ шивит уруғи + 100 гр. сув, 5 ёшдан ошганлар учун эса 1 ош қошиқ шивит уруғи + 200 гр. сув аралашмаси 10 дақиқа паст оловда қайналади, юзига мато тортилиб, 2 соат дамлаб қўйилади. Кейин бу аралашма иккига бўлинади ва бир ҳафта давомида худди шу тарзда тайёрланиб эрталаб-кечқурун ичилади.

Ҳафтада 1 кун ёки ҳижрий 13-чи, 14-чи, 15-чи кунлар 3 кун очлик қилинади. (“Очликлар” бўлимига қаранг.)

Тайёр таглик (памперс) қўллаш ва кўшимча моддали тайёр таомларни истеъмол қилиш қатъиян ман қилинади.

5 ёшдан ошган болалар учун:

Тенг миқдорларда қоразира, кашнич уруғи ва седана майдаланади. Бу аралашманинг 60 граммни 200 грамм асал билан аралаштирилиб, боланинг катталигига қараб, бир чой қошиқ ёки бир десерт қошиқдан 2-3 ҳафтада давомида эрталаб-кечқурун берилади.

3 дана янги қишлоқ (уй) тухумининг қобиқлари тозаланмасдан қовурилади. Яхшилаб майдаланади ва бир стакан майдаланган седана билан аралаштири-

ҲОМИЛА, ТУҒИШ ВА ЧАҚАЛОҚ ПАРВАРИШИ

лади. Мана шу дори тугагунча эрталаб-кечқурун бир чой қошиқдан сув билан ичилади. Сув ўрнига асал сиропи билан ичса ҳам бўлади.

Курак суяклари тагидан бошлаб, умуртқанинг икки тарафидан думғазагача бир кун танаффус билан 3-5 марта банка қўйиш, кейин киндикдан пастига (қосиққа) 7 дона, икки ҳафтадан кейин кети (анус)га 7 дона кичик зулук қўйиш жуда фойдали.

Болаларнинг сийдик ушлай олмаслиги баъзан сийдик йўлларида туз йиғилиши ёки майда томирларнинг тикилиши сабабли юз бериши мумкин.

Бу нарса, асосан, она сути билан эмизилмаган ва бугунги куннинг “мўжизавий” тайёр овқатлари билан озикланган болаларда кузатилади.

Бу ҳолатда озикланиш тартибига солинади, болага 3 кунлик очлик қилдирилади, кейин 3 кун давомида лимон, апельсин, грейфрут, олма ёки анор суви ичирилади, 3-чи куни кечқурун жигар тозалаш амалга оширилади.

Тозалаш учун 150 грамм зайтун ёғи, 150 гр. лимон суви ишлатилади.

Жигар тозалангандан кейин болага кунига бир марта пишган овқат, кўп миқдорда салат ва мева берилади.

Юқоридаги ўсимлик давоси қўлланилади. Боланинг кети(анус)га зулук қўйиш такрорланади.

Сийдик тута олмаслик гормонал мувозанатсизликдан юз бераётган бўлса, фақат 7 марта 3 кунлик очлик қилиб, тuzалиш мумкин.

15 ёшдан катта болалар 10 кун оч қола олишса, сийдик тута олмаслик муаммоси очликнинг 2-4-чи кунларида барҳам топади.

Очликдан кейин юқоридаги даво қўлланилса, бу дарддан тамоман кутулади.

ЭМЛАШ

“Эмлаш («прививка») боланинг энг ёвуз қотили. Соғлом туғилган бола эмлашлар туфайли касалманд қилинмоқда.

Тадқиқотларимизда энг оғир касалликлар эмлаш натижасида бошланишини кўрдик.

Бугунги кунда миллионлаб ота-оналар эмлаш фақат битта мақсадга хизмат қилишини англаб етдилар: бу - боланинг иммунитет тизимига зарар етказиб, келажакда уларни дори ишлаб чиқарувчилар ва шифокорларнинг доимий мижозига айлантириш мақсади дур.

Ўз тажрибам ва бошқа оилалар тажрибасидан шуни биламиз-ки, бир марта ҳам эмланмаган болалар касалхонанинг нима ва қаерда эканлигини билишмайди, эмланган болалар эса касалхоналардан чиқишмайди.” Доктор Прафул Виджаякар (Prafull Vijaya-kar), машҳур гомеопат олим.

Шифокорлар эмлаш («прививка») моддаларининг тузилиши табиийликдан узоклигини ва одамлар учун умуман керак эмаслигини айтишмоқда. Чунки одамнинг иммунитет тизими ўрганиш орқали ривожланади.

Бола касалликларинининг яратилишидаги ҳикмат - боладаги иммунитет тизимини ривожлантиришдир.

Бугунги кунда эса ҳар қандай касалликка қарши мажбурлаб қилинаётган эмлаш соғлом болалардаги иммунитет тизимининг ривожланишига, кучайишига тўсқинлик қилмоқда. Афсус-ки, болалар эмлаш бадалини нафақат болаликларида, балки қатта бўлганларида ҳам тўлашга мажбур бўлишади.

Аллергия ва астма, онкологик касалликларнинг кўркинчи тезликда ортиб бориши ўта муҳим биологик қонунқоидалар бузилганини кўрсатиб турибди.

Бу бузғунчиликлар орасида биринчи навбатда эмлаш туради.

Мутахассислар бу борада шундай дейишмоқда: Эмланган баъзи одамларда эмланмаган одамларга қараганда касаллик жуда оғир кечмоқда. Бу нарса иммунитет тизими фалажи (параличи) синдроми деб номланади. Бошқача айтганда, эмланган болалар эмлаш олдини олиши керак бўлган касалликка барибир чалинмоқдалар ва чалинганда ҳам касалликини жуда оғир тарзда бошдан ўтказишмоқда. Эмлаш орқали касалликлардан сақланиш амалга ошмаяпти.

Бундан ҳам ёмони, эмлашларнинг ўрнига инсоннинг геномасига аралашадиган, инсоннинг табиатини ўзгартирадиган янги эмлаш моддаларининг ишлаб чиқарилишидир. Булар ген муҳандислиги маҳсулоти ҳисобланадиган “Рекмобинант эмлашлар”дир. Гепатит В га қарши эмлаш мана шу турдаги эмлашларга ёркин мисолдир.

“Тен муҳандислиги” усуллари билан қуролланган биологлар эндиликда бактериял хужайраларга инсон протеинларининг синтезини амалга оширувчи генларни жойлаштиришмоқда. Бу технологиянинг имкониятлари ёрдамида бугунги кунда интерферон, фермент, гормон ва бошқа биопрепаратлар каби грипп ва гепатит В га қарши эмлаш моддалари худди шу тарзда ишлаб чиқарилмоқда.

“Энгерикс-В” (гепатит В га қарши эмлаш моддаси)нинг таркибидагилар:

1. Ушбу препаратнинг асосий моддаси нон ва пиво ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган “гени ўзгартирилган” ачиткидир.

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми кейинги сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолiddин Йўлдош